



## Ипак ва дийбож кийманглар. Тилла ва кумуш идишларда ичманглар. Улардан ясалган товоқларда еманглар, чунки улар бу дунёда улар учун», деганларини эшитганман», деди

Абдурахмон ибн Абу Лайлодан ривоят қилинади: «Улар Ҳузайфанинг олдида эдилар. Шунда (хизматчисидан) сув талаб қилди ва мажусий сув олиб келди. Қўлларига идишни қўйганида унга ирғитдилар. «Мен уни биринчи ёки иккинчи қайтаришим эмас. Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Ипак ва дийбож кийманглар. Тилла ва кумуш идишларда ичманглар. Улардан ясалган товоқларда еманглар, чунки улар бу дунёда улар учун», деганларини эшитганман», деди.

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам эркакларни ипакнинг барча туридан қайтардилар. Эркакларни ҳам аёлларни ҳам олтин ёки кумуш идишларда ичишдан қайтардилар. Мўминлар Аллоҳ учун бу дунёда ўша нарсаларни тарк қилганлари учун қиёматда улар учун хос бўлишини хабар бердилар. Кофирларга эса, охиратда бу нарсалар йўқ. Чунки улар дунё ҳаётида шу нарсаларни ишлатиб Аллоҳга осий бўлганлар.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/2985>

